

**Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги
29-сон буйруғига 5-илова**

**Ходимларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини
ташқил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда – Ташкилот) ходимларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташқил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

2. Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

3. Ташкилот ходимларини ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

холислик – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро стандартлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жиҳатдан қулайлик – Ташкилот ходимларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек Ташкилот ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к. ўтиш асосида амалга оширилади;

хаммабоплик – ўқитиш ташкилот ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, ташкилотнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш;

дифференциаланган ёндашув – Ташкилотда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши кўшимча равишда махсус ўқитилади;

ўқитиш усуллари ва шакллари доимий равишда такомиллаштириш – Ташкилот ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Ташкилот ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

4. Ўқитиш шакллари ва усуллари аниқлашда, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Ташкилот ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Ташкилотнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан белгиланган коррупцияга қарши хулқ-атворнинг ахлоқий кадриятлари ва Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Ташкилот ходимларини Ташкилотда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш,

коррупциявий хулқ-атвор, Ташкилотнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ташкил этиш ва ўтказишга масъул шахслар

5. Ташкилотнинг Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педогогик кадрларни тайёрлаш бошқармаси ташкилот ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ташкилотда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

6. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) ташкилот ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

7. Ташкилотнинг Кадрлар бўлими Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

8. Ташкилот Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар тузилмаси тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Ташкилотда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

9. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:
барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;
Ташкилот ходимларини хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш;
коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

10. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш Ташкилотнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

11. Ташкилотнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан

ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атвориға қўйилган талаблар, ташкилот ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетмакетлигиға доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияға қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияға қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётиға доир билимлар; олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Ташкилотнинг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Ташкилотда ўрнатилган коррупцияға қарши кураш чораларини амалиётда қўллаш билиш.

Коррупцияға қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномаға 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

12. Ташкилот ходимларини умумий ўқитиш Ташкилотнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Ташкилотда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларға эға бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

13. Коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияға қарши ўқитиш коррупцияға қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

14. Коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Санитария-эпидемиология хизмати ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётиға мувофиқ шакллантирилади.

15. Коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияға қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларға хос бўлган коррупцияға қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарға энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалға оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.

16. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли шахслар (ташкилотлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

17. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

18. Ушбу Йўриқноманинг 19-бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 6 (олти) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

19. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкилотнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

20. Ташкилот ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

21. Ташкилот ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатиغا кирса;

Ташкилотда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Ташкилот раҳбари қарорига мувофиқ.

22. Ташкилотга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар 30 кун ичида коррупцияга қарши ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур Бобнинг 22-23 бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш Кадрлар бўлими томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

23. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

24. Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педогогик кадрларни тайёрлаш бошқармаси ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва жорий йилнинг 31 декабргача уни ташкилот раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар бўлимининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар бўлимини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

25. Кадрлар тузилмаси ташкилот ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда ташкилотнинг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.

Ички назорат тузилма олинган маълумотларни таҳлил қилади ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши курашиши тизимининг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини,

шунингдек ўқув материаллари коррективка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

26. Ходим унга тайинланган ўқув курси ёки унинг натижалари бўйича тест синовларидан белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар бўлими бошлиғи бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

27. Ўқитиш жадвали, йўқлама варақалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар бўлимида сақланади.

8-боб. Яқуний қоидалар

28. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар қиритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

29. Ташкилот ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ходимларининг коррупцияга қарши курашиш
соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш
бўйича йўриқномага илова

**Ташкилот тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишнинг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.
Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи; Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).
Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	Ташкилотдаги хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари; Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар; Совғалар ва меҳмондўстлик белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ходимларни танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хизмат турлари учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битим талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.
Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик; Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикаси коррупциявий ҳаракатларга доир ишлар бўйича суд амалиёти шарҳи.
Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли	Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида; Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш; Фуқаролик жамияти институтларининг Ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги.